

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Ўртачирчиқ тумани

2023 йил 26 июнь

Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий суди судьяси Х.Н.Равшанов раислигида, судьяни ёрдамчиси Ф.Х.Кулматов котиблигида, аризачи ХХХ жавобгар “ХХХ” масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган электрон кўринишда шакллантирилган иқтисодий ишни аризачи вакили Р.Халилов (судга тақдим этган ишончномаси асосида) иштирокида, Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий суди биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризачи ХХХ Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “ХХХ” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2023 йил март ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этилмаганлиги сабабли унинг банкдаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили иштирок этиб, суд мажлиси кунига қадар жавобгар томонидан аризадаги ҳолатлар бартараф этилмаганлигини билдирди ва ариза талабини қаноатлантириб беришни сўради.

Жавобгар суд мажлиси тўғрисида тегишли тартибда хабардор этилган бўлишига қарамай суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 128-моддасига асосан агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси қуйидаги ҳолларда ҳам суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади, агар:

ажрим йўлланган шахс ажримнинг кўчирма нусхасини олишни рад этган ва ушбу рад этиш қайд этилган бўлса;

суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охирги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса;

ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасининг 3-қисмига асосан иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида



тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Иш жилдида жавобгарнинг суд мажлиси тўғрисида тегишли тартибда хабардор этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд. Шу боис, суд ишни жавобгар иштирокисиз кўриш мумкин деб ҳисоблайди.

Суд аризачи вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларини ўрганиб, қуйидагиларга асосан, аризани қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрирда) 82-моддасига кўра, юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади.

Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этиши белгиланган.

Шунингдек, Ушбу Кодекснинг 273-моддасида солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрирда) 111-моддасига кўра солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) чиршига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилатган шахс томонидан имзоланадиган



далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини аниқлатади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрирда) 112-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қуйидагилар асосида қарор қабул қилинган тақдирда бекор қилинади:

1) ушбу Кодекснинг 111-моддаси учинчи қисми 1-банди асосида — солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан кейин бир кундан кечиртирмасдан;

2) ушбу Кодекснинг 111-моддаси учинчи қисми 2-банди асосида — солиқ органининг талабига жавобан ҳужжатлар, тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар тақдим этилган куни;

3) ушбу Кодекснинг 111-моддаси учинчи қисми 3-банди асосида — солиқ органининг текширув ўтказётган мансабдор шахсларига кириш ҳуқуқи берилган кундан кейин бир кундан кечиктирмасдан.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 219-моддасининг 3-бандига асосан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризага — солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинганлигини ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш рад этилганлигини тасдиқловчи далил илова қилинади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар томонидан 2023 йил март ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган. ХХХнинг 254957-сонли қарори билан жавобгарнинг банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операциялар 10 кунлик муддатга тўхтатиб қуйилган ва жавобгарга тегишли хабарнома юборилганлигига қарамасдан, жавобгар томонидан мазкур хабарнома эътиборсиз қолдирилганлиги, тегишли солиқ ҳисоботларини тақдим этмаганлиги, шу боис аризачи ариза билан судга мурожаат қилганлиги ишдаги мавжуд ҳужжатлар ва аризачи вакилининг суд мажлисида берган кўрсатмаси, тақдим этган 2023 йил 26 июндаги маълумотномаси билан ўз тасдиғини топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд, аризачининг аризаси талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси асосан суд харажатлари тарафларга уларнинг қаноатлантирилган ва рад қилинган даъво талабларига мутаносиб равишда юкланади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида” Қонунининг 9-моддаси 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (янги таҳрир) 111, 112-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 170, 176-179, 186, 219, 220-моддаларига асосланиб, суд



ҚАРОР ҚИЛДИ:

Аризачининг аризаси талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар “ХХХ” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисоб-варақалари бўйича операциялари ХХХга 2023 йил март ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этгунга қадар бюджетга тўловлар, иш хақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳолларидан ташқари чиқим қисмида тўхтатилсин.

Жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатишга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг унинг ҳисобварақлари бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда мазкур суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик этувчи, судья

Х.Н.Равшанов

